

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Сергели тумани халқ
таълим бўлими



А.Ж.Мамаджанов

05 2022 йил

Тошкент шаҳар Сергели туман халқ таълим бўлими
тасарруфидаги 68-сонли умумий ўрта таълим мактабида футбол
майдони қуриш бўйича хизмат кўрсатиш

ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ

Буюртмачи: Сергели тумани халқ таълим бўлими

Тайёрлади:

Х.Юлдошев

Д.Пайзиев

Тошкент – 2022 йил

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Техник топширик — давлат буюртмачиси томонидан товарнинг (иш, хизмат) асосий мақсадига, унинг тавсифига қўйиладиган талаблар, давлат харидининг бирламчи маълумотлари, мақсадлари ва вазифалари, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш муддатлари, сифат кафолатлари, тавсифи ва хажми, ҳисобот шакллари (зарур ҳолларда), товарга (ишлар, хизматлар) қўйиладиган талабларнинг асослантирилиши, эквивалент кўрсаткичлар, иктисодий, бошқа махсус талабларни ўз ичига олган ҳужжат.

1.2. Буюртмачи Сергели тумани халқ таълим бўлими (кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритилади).

1.3. Футбол майдони қуриш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

1.4. Иш тури: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси 49 уйда жойлашган 68-умумий ўрта таълимнинг футбол майдон қурилиш ишларини олиб бориш (кейинги ўринларда - Объект).

1.5. Иш бошлашнинг режага оид муддатлари: шартнома тузилган санадан бошлаб.

2. ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОБЪЕКТИ

2.1. Тошкент шаҳар, тумани, Янги Сергели кўчаси 49 уйда жойлашган 68-умумий ўрта таълим.

3. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

3.1. Ишлар Буюртмачининг тегишли ҳулосалари мавжуд бўлган, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак. (1,2,3-иловада кўрсатилган намуна асосида)

4. ИЖРОЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Пудратчи бундай иш турларини бажариш талабларига жавоб бериши керак.

4.2. Ўхшаш иш бўйича ишларни бажариш тажрибаси 5 (беш) йилдан кам бўлмаслиги керак.

4.3. Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги (зарур ҳолларда ишчи комиссия далолатномаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилиши).

4.4. Тегинли ишларни бажаришга рухсат берувчи хужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Ижрочи футбол майдонини қуриш ишларини бажариш вақтида қуришни ишлари учун зарур бўлган барча зарур ва махсус рухсатномаларга эга бўлиши керак.

4.5. Ишларни бажариш учун ижрочи ташкилот штатида йетарли малака ва тажрибага эга бўлган зарур мутахассисларга эга бўлиши шарт.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Ишларни бажариш муддати – шартнома тузилган кундан бошлаб шартнома муддати тугагунга қадар фаолият кўрсатиши.

6. ИЖРОЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ижрочи қуйидагилар учун жавобгар:

Ишларнинг қонунийлик талаблари ва меъёрий хужжатларга мувофиқ енифатли бажарилиши;

Ишларни бажариш натижасига тегинли сертификатлари бўлган ўз асбоб ускуналаридан фойдаланиши.

6.2. Барча ишларни малака даражаси паст бўлмаган муҳандислик-техник ходимлар, мутахассислар, инжинерлар амалга оширишлари лозим. Камида 3 йил тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги.

6.3. Ижрочи ишни ўз вақтида бажариш учун керакли мутахассисликлар ва етарли миқдорда малакали техник ходимлар билан таъминлаши керак.

6.4. Бажариладиган ишнинг хусусиятига мос келишига кўра Ижрочи Буюртмачига субподрядчи, жалб қилган ходимларнинг сони ва малакаси, бундай ишларни бажариш тажрибаси, техник жихозларнинг мавжудлиги ва кичик механизациялар тўғрисида маълумот бериб, Буюртмачи билан келишилган ҳолда, иш бажариш мумкин.

6.5. Ижрочи сайтда бажарилган ишлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, ахборот алмашиш учун Буюртмачи томонидан ўтказиладиган юзма-юз учрашувларда шахсан иштирок этиши ёки унинг ваколатли вакилининг иштирокини таъминлаши керак.

7. КАФОЛАТЛАР ХАЖМИ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИГА

ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

7.1. Кўрсатилган хизматлар кафолати тўлиқ ҳажмда тақдим этилади. Кўрсатилган хизматлар сифатининг кафолатини тақдим этиш ҳажми деганда кафолат мажбуриятлари кучга кирган тақдирда бажариладиган умумий ишлар ҳажми тушунилади.

7.2. Кўрсатилган хизматлар кафолатининг муддати - шартноманинг амал қилиш ва хизматларни қабул қилиш якуний далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кейинги 12 (ун икки) ой даври. Агар кафолат муддати даврида камчиликлар ёки нуқсонлар аниқланса, ижрочи (ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаган тақдирда) буюртмачи билан келишилган ҳамда аниқланган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддати билан далолатномада қайдланган муддатларда уларни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт. Ушбу ҳолда кафолат муддати мос равишда нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.

7.3. Сифати бўйича шартнома, мазкур техник топишиқ талабларига ва буюртмачининг талабларига мувофиқ бўлмаган кафолат мажбуриятлари кўрсатилган тақдирда, ижрочи шартномага асосан микдорда ва ҳажмда кафолатланган тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Хизматлар сифатининг кафолатларини тақдим этиш ҳажми бўйича ижрочи мажбуриятлари шартнома амал қилиш муддати ёки кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар ва хизматлар сифатининг шартнома талабларига мувофиқ бўлмаган фактлар аниқланган хизматлар (хизматлар босқичларига) нисбатан қўлланади.

8. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ВА ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

8.1. «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги», комунал таъмирлаш ва монтаж ишлари таъкил этишга қўйиладиган гигиеник талабларнинг санитар қоидаларига ҳамда хизмат кўрсатиш ва уларнинг натижаларининг хавфсизлигини регламентлайдиган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ.

8.2 Ижрочи меъёрий ҳужжатларга, шунингдек маҳаллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ объектда меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаши шарт.

8.3. Ижрочининг барча ходимларнинг соғлиқни сақлаш сугуртаси ёки иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугуртаси Объектда хизмат кўрсатиш, иш бажариш бутун муддати давомида мавжуд бўлиши шарт.

8.4. Футбол майдони қуриш ишлари фойдаланадиган мактаб биноси ва ҳудуд шароитида амалга оширилиши сабабли, Ижрочи одамларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар бажарилишини таъминлаши шарт.

Эттилади.
чегаранда

8.5. Объектдаги фавқуллодда ҳолатнинг аниқланган пайдан бошлаб бир кун ичида Буюртмачига маълум қилади.

8.6. Ижрочи иш вақтида меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун жавобгар бўлиб, руҳсатсиз шахсларнинг иш жойига киришини чеклайди.

8.7. Ижрочи коммунал таъмирлан ва монтаж ишлари интизомини ва гигиена стандартларига риоя қилишни ўз зиммасига олади.

9. НАРХ ҚИСМИ

9.1. 2022 йил 2-чорак футбол майдони қуриш ишлари учун тўлов ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда чегаравий қиймати умумий ҳолда 699 438 836 сўмни ташкил қилади.